# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 7 AVGUST, PAYSHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№99 (6.624). Sotuvda erkin narxda


# ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

***САМАРҚАНД, 6 август (ЎзА махсус мухбирлари Анвар Бобоев, Акбар Қаршиев). Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Самарқанд аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.***



Шаҳардаги қароргоҳда Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ҳамкорлик истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Россия томони Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакатларимиз икки томонлама асосда ҳамкорликни ривожлантириш баробарида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби тузилмалар доирасида ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириб, хавфсизлик борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Владимир Путин, Россия ҳукуматига раҳбар бўлган кезлари ҳам, Президент сифатида ҳам илк хорижий сафарларини Ўзбекистондан бошлаган. Бу унинг юртимизга учинчи ташрифи. В.Путиннинг ташаббуси билан Президент Ислом Каримовнинг 2001 йилнинг майидаги Россия сафарига давлат ташрифи мақоми берилган эди. Бундай самимият ва эътибор икки мамлакатнинг бир-бири билан ҳамкорликка интилиши кучли эканлигига яна бир далолатдир.

Ўзбекистон-Россия савдо-иқтисодий алоқаларидан ҳам ҳамкорлик даражаси ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Россия Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо шерикларидан биридир. Лекин Президентлар икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми имкониятларимиз даражасида эмаслигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳиятини имкон қадар тўла ишга солиш мақсадида икки мамлакат раҳбарлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия таркибини янгилашга келишиб олди. Матбуот анжуманида маълум қилинганидек, янгиланган комиссиянинг илк мажлиси шу йилнинг кузида бўлиб ўтади.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасидаги алоқалар, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон ва Россиянинг қатор халқаро масалаларга муносабати яқин ёки ўхшаш. Халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши кураш борасида томонлар ҳамжиҳатлик билан иш юритиб келмоқда.

Президентлар журналистлар билан учрашувда бу галги музокара ҳам жуда кенг қамровли бўлганини таъкидлади. Ислом Каримовнинг айтишича, суҳбатнинг бирор мавзуини устувор этиб белгилаш қийин бўлса-да, уни асосан икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, табиийки, иқтисодий муносабатлар юзасидан бафуржа фикр алмашилган. Хусусан, нефт-газ соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масаласи муҳокама этилган.

Маълумки, ўтган йилнинг декабрида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Россиянинг «Газпром» очиқ турдаги акционерлик жамияти ўртасида «Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим» имзоланган эди. Унга биноан Ўзбекистондан йирик ҳажмда газ экспорт қилинади. Президентлар бу соҳадаги ҳамкорликни сифат ва ҳажм жиҳатидан янги поғонага кўтаришга келишиб олганини маълум қилди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин тўқимачилик, энергетика машинасозлиги, сув хўжалиги каби соҳаларни ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишига айлантириш имкониятлари кўплигини таъкидлади. Масалан, Россия тўқимачилик корхоналари Ўзбекистон пахтасини бевосита олмайди. Шу боис бу борада ишбилармонларга қулай шарт-шароит яратишга келишиб олинди.

Ислом Каримовнинг билдиришича, мулоқот давомида икки томонлама манфаатли кўплаб келишувларга эришилган. Ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлисида Президентлар келишувларини ҳаётга татбиқ этишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Владимир Путиннинг айтишича, ўзаро ҳамкорликдан иккала мамлакат халқлари учун ҳам манфаатдорлик мавжуд. Ҳукуматлараро қўшма комиссия эса ана шундай сиёсатни амалиётга татбиқ этишнинг муҳим бўғинига айланиши керак. Унинг зиммасига юкланган вазифаларни, умумий қилиб, икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, икки мамлакатнинг ҳам тегишли қонун ҳужжатлари яна бир бор теран таҳлил этилиб, ўзаро мувофиқлаштирилиши керак. Қолаверса комиссия хўжалик субъектларининг лоббистига айланиши, яъни, ҳукуматлар олдида улар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланиши зарур. Шунда унинг фаолияти кутилган натижани беради.

Владимир Путин Ислом Каримов ҳамроҳлигида қадим Самарқанддаги тарихий обидаларни - Гўри Амир мақбараси, Регистон мажмуи ва Улуғбек расадхонасини томоша қилди. Рус православ черковида бўлди.

- Самарқандга биринчи марта келишим, - деди Россия Президенти. - Шаҳарнинг тарихий обидалари ғоят ҳайратланарли, бетакрор. Ниҳоятда бой таассурот билан қайтмоқдаман.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

**СУРАТДА: учрашув пайти.**

***

А.ТЎРАЕВ, Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

# Ўзбекистон ғаллакорларига

Азиз дўстлар!

Сиз, лафзи ҳалол деҳқонларимизнинг йил бўйи белни маҳкам боғлаб қилган фидокорона меҳнатингиз туфайли мамлакатимизда илк бор 5 миллион 100 минг тонна дон ҳосили етиштирилиб, ғаллачилик соҳасида тарихий марраға эришилди.

Мен барчамизга ғурур ва ифтихор бахш этадиган мана шу меҳнат ғалабаси билан, аввало, ғаллакорларимизни, қишлоқ хўжалиги соҳаси меҳнаткашларини, бутун халқимизни чин дилдан самимий табриклайман. Қўлга киритилган бу улкан ютуқнинг моҳияти ва аҳамиятини тасаввур этиш учун 1990-1991 йилларда республикамиз бўйича ўртача 940 минг тонна ғалла йиғиб олинганини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Айниқса, бу йилги мавсумда республикамиз бўйича суғориладиган майдонлардан ўртача 44 центнердан, Андижон вилоятида 75,1, Самарқанд вилоятида 53,2, Наманган ва Фарғона вилоятларида қарийб 50 центнердан ҳосил олингани ўзбек деҳқонининг нималарга қодирлигини яққол намоён этиб турибди.

Бу беқиёс зафар халқимиз ризқ-рўзини бутун қилиш, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида бундан бир неча йил аввал ўзимизга белгилаб олган йўлимизнинг нечоғли тўғри эканини яна бир бор кўрсатади. Бунинг замирида кўп-кўп омиллар қатори одамларимизнинг ерга, мулкка бўлган муносабати, эгалик ҳиссиёти тубдан ўзгариб, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси кучайиб бораётгани мужассам, десак, асло хато бўлмайди.

Айни вақтда қишлоқ хўжалиги, хусусан, ғаллачилик соҳасида уруғчиликка алоҳида эътибор қаратиш, илғор агротехнологияларни кенг жорий этиш, моддий манфаатдорлик ва рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш, хўжаликлар билан тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартнома интизомини мустаҳкамлаш масалаларида олдимизда қатор вазифалар турганини ҳам унутмаслигимиз даркор.

Мен ўзбек деҳқончилик мактабига хос энг яхши анъаналарни давом эттириб, бойитиб келаётган қишлоқ меҳнаткашлари ушбу хўжалик йилида бошқа соҳаларда ҳам янги-янги муваффақиятларни қўлга киритишларига тилакдошман.

Бугунги қувончли кунда ғаллакорларимизга, моҳир механизатор ва комбайнчиларга, ишбилармон фермерларимизга, барча туман ва вилоятлар раҳбарларига мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва қудратини ошириш, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилаш йўлида сидқидилдан қилаётган меҳнатлари учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Сизларга ва оила аъзоларингизга ҳамиша сиҳат-саломатлик, бахт ва саодат, ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман. Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

***Бизнинг ана шу ютуқларни қўлга киритишимизда биринчи навбатда ҳурматли Президентимизнинг қатъияти, ташаббускорлиги ва узоқни кўра билиши қўл келди. Очиғи, у киши ғалла мустақиллигига эришиш ғоясини ўртага ташлаган дастлабки пайтларда, ҳатто, менинг ҳам кўнглимда алланечук ҳадик, хавотир йўқ эмасди. Бу иш қўлимиздан келармикин, дея ташвишга тушган эдим. Аммо тез орада шубҳа-ю гумонларим ўринсиз эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Чунки Юртбошимиз ўшанда халқимизнинг айни дилидаги гапни топиб айтганлиги сабабли одамлар бу ишга ғайрат билан киришган эди. Очиғини айтиш керак, ўзбекнинг ўз ғалласига эга бўлишида Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг қилган беқиёс хизматларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.***







-Мустақилликкача Москвадан бериладиган нарядлар асосида Самара, Куйбишев ёки Украинадан дон келтирилларди, - дея ҳикоя қилади ўша чоғлар Сурхондарё вилоятида дон таъминоти бўйича масъул вазифада ишлаган "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси бошқаруви раисининг ўринбосари Примқул Алиёров. – Кейинчалик бу борада ҳам узилишлар юз бера бошлади. "Марказ"даги бошқарув сусайганини шундан ҳам билиш мумкин эди. Ўзимиз ўша жойлардаги заводларнинг аҳволи билан танишганмиз.

Далаларда буғдойлар қор остида қолиб кетар, бунинг сабабини сўраганимизда, "техника кам, бензин йўқ", қабилидаги жавобларни эшитардик. Биз бир мисқол буғдойга зормиз, улар бўлса, неча минглаб тонна донни ана шундай исроф қилишарди. Бундай аҳволни кўриб, ич-ичимиздан ачиниб кетардик.

Бизга Қозоғистоннинг Актюбинск вилояти, Новожоденск туманидан ун олиб келиш учун наряд берилган эди. Юқоридан топшириқ ҳам бор. Лекин белгиланган юкни Новожоденскдан вагонларга юклаб беришмайди. Охир-оқибат ўзимиз юк ортиш учун одам олиб бордик. Ажабланарлиси, ҳали ишга тушмаган заводдан ун олиб келиш учун бизга наряд беришган экан. Бизни ана шундай алдашган. Йиғламоқдан бери бўлиб ортга қайтдик.

Илож қанча, ўзимиз Ўзбекистондан мутахассисларни олиб бориб, ўша заводни ишга туширдик. Хирмондаги буғдойни у ерга ташиб бориб, тегирмонда тортиб, поездга ортиб келдик.

Мустақилликкача Сурхондарё вилояти бўйича 11200 тонна буғдой етиштирилган эди, холос. Аҳоли эҳтиёжи учун эса камида 200 минг тонна ғалла керак. Вилоятдаги энг долзарб масала ҳам дон таъминоти эди. Ҳар бир мажлисда биринчи галда шу ҳақда гап борарди. Омборлар эса бўшаб ётарди. Халқнинг таҳликага тушмаслиги, ноўрин ваҳималар тарқалиб кетмаслиги учун бир вагон ун келтирсак ҳам ҳамманинг кўзи тушадиган жойга тахлаб қўярдик. Бу эса одамларга қандайдир таскин берар эди. Аммо барибир айримлар бизга ишонмай, жанжал кўтаришга уринган эди. Шундай вазиятда ҳам босиқлик билан халққа мавжуд аҳволни батафсил тушунтириб, можарони тинч йўл билан ҳал қилган эдик.

Кўпчилик яхши эслайди, 1991-1992 йилларда қўшни давлатлардан бири билан ана шу муҳим масала юзасида ўзаро келишувга эришилган эди. Унга кўра мазкур давлат мамлакатимизга икки миллион тонна ғалла етказиб бериши лозим эди. Аммо ваъда ваъдалигича қолди. Ўзбекистонга 1 миллион тонна ҳам ғалла келтирилмади. Аксинча, у ерда қанчадан-қанча дон далаларда қаровсиз қолиб кетган эди. Шундан сўнг юртимизга Канада ва АҚШдан ун олиб келишга тўғри келганди. Минг-минглаб тонна маҳсулот юк кемаларида океан орқали Болтиқбўйи денгиз портига келтирилар, у ердан катта қийинчиликлар билан вагонларга юкланар эди.

Собиқ иттифоқ замонида ўзбекнинг ўз донига эга бўлиши кераклиги ҳақида гап кетгудек бўлса, баъзи иқтисодчи олимлар: "Бир килограмм пахта толасининг пулига 12-15 килограмм буғдой беради. Шундай экан, нима қиламиз ғалла экиб? "Оқ олтин" кони фойда-ку", дея аюҳаннос солишарди. Ана шундай "доно" фикрлар оқибати ўлароқ, юқоридаги каби аҳвол юзага келган эди. Ахир, оддий арифметика билан бутун бошли миллат тақдирини ҳал этиш мумкинми? Очиғи, буларнинг барчаси "сиёсий иқтисод" аталмиш коммунистик таълимотнинг амалдаги натижаси эди. Кўпчилигимиз иқтисод бошқа, сиёсат бошқа нарса эканлигини кейинроқ тушуниб етдик.

-Яна бир гап ҳеч эсимдан чиқмайди, - дея эслайди Примқул Алиёров. - Болтиқбўйидан дон олиб келадиган пайтларимиз биз учун масъул қилиб қўйилган маҳаллий раҳбарлардан бири киноя билан шундай деган эди: "Биз ўз кучимиз билан мустақилликни қўлга киритдик. Энди уни ҳеч ким, ҳеч қандай йўл билан биздан тортиб ололмайди. Бизни ҳеч ким енга олмайди, ҳатто энг замонавий қуроллар билан ҳам. Аммо сиз ўзбекларни яна қарам қилиб қўйиш жуда осон. Бунинг учун ҳеч қандай қуролнинг ҳам, танк ва снаряднинг ҳам кераги йўқ. Фақатгина Россия буғдой беришни тўхтатиб қўйса ёки ғалла олиб ўтиладиган йўлларни беркитса, шунинг ўзи кифоя". Бундай аччиқ гаплар менинг ҳамиятимни қўзғаган, у билан узоқ тортишган эдим. Аммо очиғини айтганда, юқоридаги фикр замирида ҳақиқат ҳам йўқ эмасди. Болтиқбўйи портларидан вагонга ортилган юкларимиз "минг бир саргузаштларни бошдан кечириб", бир ойча вақт ичида Ўзбекистонга етиб келарди. Йўл харажатларини-ку, асти қўяверинг.

Мустақилликнинг мустаҳкам бўлиши учун биринчи галда халққа моддий фаровонлик керак эди. Дон бўлмаса, нон бўлмаса бунақа мустақиллик кимга керак, дейдиганлар ҳам топилар эди. Зотан, озиқ-овқат – муҳим стратегик маҳсулот. Ўз дони, ўз нони бўлмаган, ғалла мустақиллигига эга бўлмаган давлатда иқтисодий мустақилликни таъминлаш мушкул эканлиги ўша кезлар яққол намоён бўлган эди. Шунчаки сиёсий мустақилликни эълон қилиш билангина иш битмасди.

Шу маънода, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз томонидан олға сурилган Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришиш сиёсати халқимизнинг айни дилидаги гап бўлган эди, дейиш мумкин. Бунинг натижасида кейинги йилларда юртимизда аҳолини ўзимизда етиштирилган дон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, суғориладиган майдонларда дон етиштириш ҳажми ортиб борди.

Бир мисол. Республикамизда 1991 йили 221 минг гектар майдонда бошоқли дон етиштирилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2002 йилга келиб, 1 миллион 69,5 минг гектарни ташкил этди. Ўз навбатида, бундай майдонлардан юқори ҳосил олишга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Шу мақсадда хорижий илмий тадқиқот институтларида яратилган интенсив типдаги, ҳосилдорлиги 70-80 фоизни ташкил этадиган буғдой навлари келтирилди ва ўзимизда уруғчилик тизими шакллантирилди. Бунинг самараси ўлароқ, суғориладиган майдонлардаги ғалла ҳосилдорлиги миқдори мутассил ортиб борди. Айтайлик, бундай майдонлардаги ҳосилдорлик 1991 йили республикамиз бўйича ўртача 22,2 центнер бўлган бўлса, 2002 йилга келиб эса 42,4 центнердан ошиб кетди.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

**(Давоми 3-бетда)**

# МИЛЛИЙ ҒУРУР - БЕБАҲО ТУЙҒУ

***Мустақилликнинг дастлабки йилларириданоқ миллий руҳ қуролли кучларимиз тизимларида намоён бўлди. Ҳарбий қисмлардаги тартиб-қоидалар, оддий аскарлар билан зобитлар ўртасидаги муносабатлар, умуман, ҳарбий ҳаёт янги тартиб-интизомга ва ўзбек тилига ўтказилди.***

Аскарларимизнинг қадам ташлашдаги шаҳдамликларидан тортиб куйлаган қўшиқларигача миллийлик уфуриб турди. Қуролли кучларимиз тизимларидаги миллийлашув жараёнида баъзи бир ғанимларимиз кутмаган ҳолат кузатилди.

**ИФТИХОР**

Тўғриси, ўзимизнинг орамизда ҳам дарҳол бундай бўлишига ишонмаганлар бор эди. Тез орада ҳарбийларимизга бағишланган шеърлар, куйлар-қўшиқлар пайдо бўлди. Қуролли кучларимиздаги миллий руҳ кўплар қатори ҳарбий шифокор, подполковник Искандар Раҳмонга илҳом бағишлади. Унинг "Ўзбекистон аскарларимиз" шеъри танловда ғолиб чиқди. Буғдойранг йигитларнинг миллий куй-қўшиқ оҳангида шаҳдам қадам ташлаётганликларини кўриб беихтиёр тўлқинланиб кетасиз. Бир пайтлар бизга "Катюша"ни мажбурлаб ўргатишар эди. Агар талаффузингиз тушмаса ёки овозингиз чиқмаса, оёғингизга тепиб ёки "баран", деб ҳақоратлашар эди.

**(Давоми 2-бетда)**

**ТАССУФ**

# САЙХУНОБОДГА СПОРТЧИ КЕРАКМИ?

***Во ажаб! Юртимизда болалар спортига катта эътибор қаратилаётганидан сайхунободлик мутасадди раҳбарлар бехабар кўринади.***

Ёки уларда бу масалага хоҳиш-истак етарлича эмасми? Сайхунободда спортга бўлган эътиборнинг сустлиги бор гап. Бўлмаса ка-а-атта бир туманнинг марказий стадиони бундай қаровсиз аҳволда қолиб кетмаган бўлармиди? Йўл ёқасида жойлашган, атрофи темир панжара билан чиройли қилиб ўраб қўйилган бу майдонни бир қарашда ҳеч бир ақли расо одам туманнинг марказий ўйингоҳи, деб ўйламаса керак.

Стадионнинг бир томонида ўт ўчириш идораси жойлашган, иккинчи томонида эса қачонлардир қурилиши бошланган ва ниҳоясига етказиш эсдан чиқариб юборилган бино турибди. Наҳотки бу иморатдан фойдаланиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаса?! Ёки бу шунчаки кўриниш учун тиклаб қўйилган иншоот холосми?

**(Давоми 4-бетда)**

# НОМАРДНИНГ ИШИ

***Шартнома шартларини тўла бажармаслик ғайриқонуний ҳолат эканлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ буни барча тадбиркору фермер, корхона раҳбарию, ширкат бошқаруви раислари тўла тушунади, деб бўлмайди.***

Шофиркон туманидаги "Тожибобо" фермер хўжалиги ҳамда "Хўжа Ориф" ҳиссадорлик жамиятлари ўртасида 2002 йилнинг 4 январ кунида 16-сонли шарт-

**ҲУҚУҚ**

нома тузилганди. Унга кўра "Тожибобо" фермер хўжалиги ҳиссадорлик жамиятига 11 тонна дон етказиб берди. Аммо "Хўжа Ориф" ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари фермер етказиб берган маҳсулотдан ишлаб чиқаришда фойдаланиб, тўловни амалга оширишга келганда оғриниб қолишди. Шартномани унутишди. Ахир шартнома – лафз дегани. Лафздан қайтиш эса марднинг иши эмас.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини англаган фермер мазкур иш юзасидан хўжалик судига мурожаат қилди.

Суд ушбу ҳолатни қонун талаби асосида чуқур ўрганди.

**(Давоми 2-бетда)**

**ИНСОН ЎЗИНГ...**

# "ЖИН ЧАЛГАН" ТЕГИРМОНЧИ

***Ҳусен қизиқ бир қоп буғдойни эшагига ортди-ю, қўрғоннинг жанубида жойлашган тегирмон томон йўл олди.***

Ариқ бўйидаги супада бўлиқ оёқларини чўзиб ўтирган Шокир қашшанг унга қиё ҳам боқмади. Жағ суяклари бўртиб чиққан, тунд чеҳрали тегирмончи ўй-хаёллар гирдобида эди.

-Буғдой келтирдим, - деди Ҳусен мулойимлик билан.

Шокир қашшанг ёниб турган саксовул шохига сув сепгандай тутаб кетди.

-Донингни олиб кет, қабул қилмайман! – деди ранги оқариб.

Ҳусен ҳангу манг бўлиб қолди. Юрак ютиб бир сўзли қашшангга яқинлашди:

-Сабаб?

-Сабаб дейсанми, тикиб берган тўқиминг узоққа бормай йиртилди. Дастагига кигиз ўрнига эски латта-лутталарни тиқиштирибсан.

-Кигиз қиммат-да! – қўшимча қилди Ҳусен.

**(Давоми 4-бетда)**

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

***Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш, маориф, тиббиёт, маданият ва бюджет маблағлари ҳисобидан фаолият кўрсатадиган бошқа соҳалар истиқболи мамлакатда тўғри солиқ сиёсати олиб борилиши ҳамда солиқ қонунчилиги қай даражада ишлашига боғлиқ.Афсуски, буни айрим шахслар тушуниб етмаяптилар.***

Маълумки, кейинги йилларда соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни

**СОЛИҚ**

бартараф этиш, солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш ва тартибга солиш, товар айланишини рағбатлантириш ҳамда бюджетга солиқлар тушуми тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай ҳалиҳануз ўз зиммасидаги масъулиятни ҳис қилмайдиган, бугунги замон талабидан ортда қолаётганлар учраб тургани сир эмас.Пискент тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари туман Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда солиқ-мажбурий тўловларини ҳисобланиши ва давлат бюджетига ўз вақтида ўтказилиши юзасидан текшириш ишлари олиб борганларида қатор қонунбузарлик ҳолатларига дуч келинди.

**(Давоми 2-бетда)**

**ҲИКМАТ**

*Одамлар билан шундай яшагинки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўстга айлансин.*

Пифагор


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ХАЛҚНИНГ РИЗҚИ

НАСИМНИ "ИТ ҚОПДИ"

ЁРҚИШЛОҚНИНГ БАҒРИ КЕНГ

# “ЖИН ЧАЛГАН” ТЕГИРМОНЧИ

(Боши 1-бетда)

-Билмайман, кўзимга кўринма. Янги тўқим тикиб келтирасан, кейин донингни тортиб бераман, - деди.

Ҳусен Шокир қашшангга ялина кетди:

-Буғдойни олатуринг, янги тўқимни келтирсам, кейин ун қилиб берарсиз.

-Ҳей, бола! Бошимни қотирма. Мени Шокир қашшанг дейдилар-а! Агар, ҳозир отам тирилиб келса ҳам сўзимдан қайтмайман, яна гап қайтарсанг, кал бошингни ёраман, дея йўлакча бўйлаб дарғазаб юриб кетди.

Ҳусен буғдойни уйига қайтариб келди.

-Онаси, тегирмончи буғдойни олмади, энди ўзинг ёрғучоқда ун қиласанда, - деди ҳовлида куймаланиб юрган хотинига. Сал ўтмай Ҳусен укаси Комилни ёнига чақириб Шокир қашшанг билан бўлган воқеани гапириб берди.

-Шу кечаси Шокирнинг бир адабини бермаймизми? – деди ака-укалар бир-бирига маъноли кўз қисиб.

Улар ўша заҳотиёқ ишга киришиб кетишди. Йигирмата қалам шаклидаги чўпчаларни олиб, бир учига зиғир мойига ботирилган пахта ўраб қўйдилар.

Ҳусен укасига уқтирди.

-Жин қиёфасига кириш учун тайёргарлигингни кўр, - деди.

Комил оғилхона шифтига осиб қўйилган думи узун бузоқ терисини кўтариб чиқди.

-Сен терига ёпиниб оласан, катта тутдаги серка шохини бошингга ўрнатасан, мен эса бошимга кулоҳ кийиб яланғоч рақс тушаман, - деди.

Қизиқчилар саҳнага чиқаётган масхарабоздай тайёрландилар. Бу орада тўлин ой қишлоқ чеккасидаги тоғ ортига бош қўйди. Дайди итларнинг баъзи-баъзида вовуллаган товуши тинди.

Ака-укалар тун ярмида тегирмон атрофида пайдо бўлдилар. Атроф зимзиё. Тегирмон эшиги тирқишидан ичкарига мўралашди. Шокир қашшанг чироқ ёруғида дўлга буғдой солар ва ўзича қандайдир қўшиқни хиргойи қиларди.

Қизиқчилар нилчўпларни тегирмон атрофига ўрнатиб, ёқиб чиқишди. Ҳусен кийимларини ечиб ариқ ичига кирдию, тегирмон парракларини ушлаб тўхтатди ва уни арқон билан синчга боғлади. Новдан оқаётган сув кучли шовуллади. Кўп фурсат ўтмай Шокир қашшанг ташқарига чиқди. Шу пайт Ҳусен ариқ ичидан қип яланғоч чиқиб нилчўплар атрофида айлана бошлади. Кўп ўтмай тўрт оёқлаб югурди-ю ирилланганча тегирмончига ҳамла қилди. Комил ҳам ўйнаб-ўйнаб атрофни айланиб бузоқ терисининг думи билан қашшангни савалай кетди.

Шокир қашшанг бир замбил лойдек бўшашиб қолди. Ўзича алланарсаларни ғўлдиради. Лекин овози чиқмасди. Икки масхарабоз эса тегирмончини ўртага олиб, у ер-бу еридан чимчилай бошлашди. Шу алфозда қўрқувдан бўздек оқариб кетган Шокир қашшанг ерда чўзилиб қолди. Нафас олиши билинмасди. Ҳусен тезда боғланган парракни очиб, тегирмонни юргизди ва улар орқаларига қайтдилар.

Эртаси куни бутун қишлоқда шов-шув: эмишки, Шокир қашшангни кечаси жин чалибди, у уйида беҳол ётармиш.

Орадан бир неча кун ўтгач Ҳусен масхарабоз янги тикилган тўқимни бетоб ётган тегирмончининг уйига олиб келди. Шокир қашшанг бир туп ўрик остидаги ёғоч каравотда ёнбошлаб ётарди.

Тегирмончи тўқимни қўлига олиб, пишиқ-пухталигини кўриб чиқди ва:

-Донингни олиб кел! – деди синиқ овозда.

Ҳусен тегирмончи дарвозасидан бир амаллаб чиқди-ю, кўчада кулгидан ўзини тўхтата олмади.

-Хайрият, билмабди, - деди беихтиёр.

Шокир қашшанг “жин”лар нағмасидан жинни-пинни бўлиб қолмади. Сир эса сирлигича қолди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ**

# SPORT OLAMIDA

## ПЕШҚАДАМНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

***Футбол бўйича ўтказилаётган мамлакат XII миллий чемпионати иккинчи давра учрашувларига ўтган куни старт берилди.***



Биринчи даврани пешқадам сифатида якунлаган “Нефтчи” жамоасига 16-тур омадсиз келди. Иккинчи даврадан эътиборан Наманганнинг “Навбаҳор” жамоасини бошқараётган Виктор Жалилов фарғоналикларга қарши ҳужумкор тактика қўллаб, шогирдларини ғалаба қозонишга ундади ва бу усул самарасини берди. Меҳмонлар дарвозасига жавобсиз иккита гол йўллаган мезбонлар муҳим уч очкога эга бўлишди. Сафарда пойтахт вилоятининг “Дўстлик” жамоасини 6:1 ҳисобида енга олган мамлакатимизнинг етакчи жамоаси “Пахтакор” эса турнир жадвалида яна пешқадам бўлиб олди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: “Бухоро” – “Насаф” 3:1, “Андижон” – “Қўқон-1912” 1:0, “Трактор” – “Самарқанд-Динамо” 0:1, “Металлург” – “Қизилқум” 1:2, “Машъал” – “Гулистон” 2:1, “Цементчи” – “Сурхон” 3:1.

Навбатдаги 17-тур баҳслари 10 август куни бўлиб ўтади.

## “ШАРҚ” – ҒОЛИБ

***Тошкент шаҳридаги “МҲСК” спорт мажмуида 11-12 ёшли болалар жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган “Футболимиз келажаги” турнирининг Тошкент шаҳар босқичи финал мусобақаси ўтказилди.***

Ушбу мусобақанинг 11-12 ёшлилар ўртасидаги финалда Чилонзор туманининг “Шарқ” ҳамда Шайхонтоҳур туманининг “Белтепа” жамоалари ўзаро куч синашишди. Кескин курашларга бой, муросасиз ўтган учрашувда “Шарқ” жамоаси рақибларидан кўра маҳоратлироқ ўйин намойиш этди ва 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Энди чилонзорлик ёш футболчилар “Футболимиз келажаги” турнирининг Республика босқичида қатнашадилар.

## МОСКВАДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

***Москва шаҳрида собиқ иттифоқ ҳамда “Локомотив” жамоалари фахрийлари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.***

Россия темирйўлчилари байрамига бағишлаб уюштирилган ушбу футбол шоуда ўзбек футболининг ёрқин юлдузи Бирордар Абдураимов ҳам иштирок этди. Футбол ишқибозлари эса собиқ иттифоқ фахрийлари терма жамоаси сафида тўп сурган Биродар Абдураимовнинг ажойиб ўйинининг гувоҳи бўлишди.

## ЖИДДИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛАДИ

***Миллионлар ўйини – футболнинг ҳакамлар томонидан ҳаққоний баҳоланиши ишқибозлар сафининг кенгайишига сабаб бўлади.***

Агар бунинг акси бўлса-чи? Бундай футбол учрашуви асабларни эговлайди. Шу боис ҳам Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти ҳакамлар маҳоратини ошириш мақсадида жорий йилда бир неча марта ўқув-машғулот йиғинларини ўтказди. Куни кеча Ўзбекистон футбол федерациясида назоратчилар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда асосан йўл қўйилган камчилик ва муаммолар таҳлил этилди, келгуси режалар белгиланди. Айрим ҳакамларга ортиқча баҳо бериб юбориш ҳоллари содир этилиши натижасида ҳакамнинг фаолияти ҳақида нотўғри тушунчалар пайдо бўлаётганлиги йиғилиш қатнашчилари томонидан таъкидланди. Шунингдек, назоратчилик сифати ва интизом масалаларига жиддий эътибор ҳаратиш қатнашчилар томонидан уқтирилди. Баъзи назоратчилар ишда йўл қўйган камчиликлари боис бир неча ойга вазифаларидан четлатилдилар. Яна бир нечта назоратчиларга оғзаки огоҳлантиришлар берилиб, агар бундан кейин ҳам бундай ҳоллар такрорланса, жиддий чора кўрилиши таъкидланди.

## ВОҲАДА ФАХРИЙЛАР ТУРНИРИ

***Муборак шаҳрида Қашқа воҳаси футбол ривожига муносиб ҳисса қўшган инсон Баҳром Вафоевнинг хотира турнири ташкиллаштирилди.***

Ушбу турнирда Ғузорнинг “Шўртан”, Муборакнинг “Машъал”, Тошкентнинг “Пахтакор” ҳамда Муборакнинг “Автомобилчи” фахрийлар жамоалари ғолиблик учун кескин кураш олиб боришди. Дастлаб яшил майдонга тушган “Шўртан” – “Машъал” жамоалари учрашуви 3:2 ҳисобида “Шўртан”нинг ғалабаси билан якунланган бўлса, “Пахтакор” – “Автомобилчи” ўртасидаги иккинчи беллашув 2:1 ҳисобида тошкентлик фахрийларнинг ғалабаси билан тугади. Хотира турнирининг ғолибини аниқлаш учун ўтказилган “Пахтакор” – “Шўртан” баҳсида Фарҳод Магомедов томонидан дарвозага йўлланган ягона тўп ҳисобига тошкентликларга биринчи ўринни эгаллаш насиб этди. Учинчи ўрин учун курашган “Автомобилчи” – “Машъал” жамоалари баҳсида ишқибозлар тўққизта голнинг гувоҳига айланишди. Муросасиз ва қизғин кечган ўйинда рақибларини 5:4 ҳисобида енга олган “Машъал” жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**



**КЎККА БЎЙ ЧЎЗИБ...**

**Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.**



# САЙХУНОБОДГА спортчи керакми?

(Боши 1-бетда)

Билолмадик... Стадион ҳудудини ўраб туриш учун қўйилган темир панжарани фидойилик қилиб, чин кўнгилдан бўяб қўйганнинг отасига раҳмат. Ҳеч бўлмаганда шу панжара товланиб, кўнгилга сал бўлса-да таскин бериб турибди. Бироқ панжара қуришни режалаштирганлар ишни бироз хомроқ қилишгани билиниб турибди-да. Бўлмаса, бу ерга ўтлаш учун кирган қорамоллар ўзларини гўёки кенг яйловда юргандек ҳис қилмаган бўлардн. Барака топгур панжара қурган одам ҳамма тамонини ўйлаб қуради-да. Моллар бемалол кириб чиқа олгандан кейин чала ярим иҳотанинг нима кераги бор? Ҳа майли-да. Биров ҳайдаб солмагандан кейин қорамолларга мазза. Қолаверса, ўйингоҳнинг ҳудудида ўсиб ётган ўт-ўланнинг яйловникидан ҳеч кам жойи йўқ.

Ўриндиқлар фақатгина бир томондагина бўлиб, унинг марказий қисмига кичикроқ трибуна қурилган. Бироқ унинг на ойнаси бор, на тайинли шароити. Бу жойни трибуна, деб кўрсатишга ҳам уяласан киши. Трансформаторнику ярмигача ўт босиб кетибди. Шу туришда бўлса озгина фурсат ўтиб, ўт-ўлан трансформаторни кўмиб юбориши ҳеч гап эмас. Стадионнинг орқа томонидан зовур ўтганлигини бўй баравар ўсиб ётган қамишзордан ҳам билса бўлади...

Бас етар. Бу жойга ортиқча таърифу тавсифнинг ҳожати йўқ. Яхшиси ўзингиз Сайхунобод туманининг марказига келиб кўринг. Ҳаммасига гувоҳ бўласиз...

Хаёлимиздан яна бир фикр ўтди. Туманнинг марказий стадионидаги аҳвол шунчалик бўлса, қишлоқлардаги ўйингоҳлар қандай ҳолатда экан?

Туманнинг "Янгиобод" шоличилик хўжалигида бўлдик. Ниятимиз бу ердаги аҳвол билан яқиндан танишиш эди. Хўжалик ҳудудини айланар эканмиз, катта йўл ёқасида жойлашган яна бир стадион диққатимизни тортди. Аввалига бу жой спорт иншооти эканлиги хаёлимизга ҳам келмаганди. Бироқ, тизза бўйи ўсиб ётган ўт-ўланнинг ичида кўзга ташланиб турган футбол дарвозаси устунлари, бу жойнинг ростдан ҳам стадион эканлигини эслатиб турарди. Майдон ҳудудида бир отахон нима иш билан дир куймаланиб юрибди. У киши билан танишдик. Стадионнинг қоровули Алланазар ота Худойқулов эканлар.

-27 йилдан бери шу ерда қоровуллик қиламан, - дейди Алланазар ота. – Илгарилари ҳечам бунақанги аҳволга тушмаганди бу жойлар. Болалар футбол ўйнашардида. Энди бўлса ўт босиб ётибди. Мен 72 га кирган бўлсам, қўлимдан нима ҳам келарди. Устига-устак ҳеч ким эътибор қилмаса. Хўжалик раиси ҳам жиддийроқ қарамайди.

-Бирор кишига ёрдам сўраб мурожаат қилдингизми ўзи?

-Йўқ. Қариганимда югур-югури ортиқча. Бу ерни кўриб ичи ачиган одам бўлса, келиб эътибор қиларди. Шундоққина йўл бўйида бўлса. Ким ўтса кўринади.

-Бу тераклар кимники?

-Тераклар иш ҳақи ҳисобига ишчиларга бўлиб берилган.

Отахоннинг айтишича, мазкур стадиондан шу қишлоқ аҳли ва шу ердаги 28, 39-умумтаълим мактаблари ўқувчилари фойдаланаркан. 39-мактаб директорининг уйи стадионнинг шундоққина биқинида.

-Мактабимизда 122 нафар ўқувчи ўқийди, - дейди ўзини Хабибулло Ғойипов деб таништирган 39-мактаб директори. – 1997 йили хўжалик қарори билан шу ҳудуддан 70 сотих ерни мактабимизга ажратиб беришганди. Мактаб учун фойдаланинглар деб. Орадан икки йил ўтиб, ер биздан қайтариб олинди.

Асли бу жойлар ҳаммаси шу қишлоқнинг истироҳат боғи ҳисобланади. Стадиондан ташқаридаги ер майдони ҳам катта. Ҳозир бу боғ ҳудуди бизга қарамайди, 28-мактабга, Нормамат Завқиевга қарайди.

-Зиёли сифатида стадионнинг қаровсиз ётгани сизни ташвишга соладими? Ахир, бу стадиондан шу қишлоқ болалари фойдаланади-ку.

-Мактабимизнинг ўз стадиони бор. Бу ер бизники эмас.

Мана сизга директор акамизнинг жавоби. Шу жойни эпақага келтирайлик, деб зиёлидан ташаббус чиқмабдими, қолганларни қўяверинг. Энг осони "Менга нима", деб қутилиш. Тамом-вассалом.

Дарвоқе, 28-мактаб директори Нормамат Завқиев билан ҳам суҳбатлашдик.

- Бир пайтлар ўзимиз ҳам шу ерларда тўп тепганмиз, - дея сўзини бошлади Н.Завқиев.- Бу боғни ҳисоблаб кўрса, тахминан 10 гектарлар чиқса керагов. Чунки теракзори, макка экиб қўйилган жойи, яна қанчадир ер майдони бор. Илгари бу боғнинг алоҳида қоровули, алоҳида ишчиси бор эди. Энди бўлса унга қарайдиган одамнинг ўзи йўқ. Битта ёши кексароқ қоровули бор-ку, лекин у кишининг қўлидан нимаям келарди? Қолаверса, мактабимизнинг алоҳида стадиони бор.

-Стадионнинг шундай аҳволда қолиб кетишига ачинмайсизми?

-Нега ачинмас эканман. Ачинаман, албатта. Ҳозир ҳамма дала ишлари билан банд бўлгани учун ҳам стадион шундай қаровсиз қолиб кетди-да. Баҳорда ҳали ўт босмасдан бу жойда мактаб болалари футбол ўйнашарди. Таътил вақтида фойдаланилмай тургани учун шундай аҳволга кеп қолди. Бошқа хўжаликларда одамлар раис билан жанжаллашиб, пахтанинг ерини буздириб бўлса ҳам стадион қуришаяпти. Биз бўлсак тайёр стадионни хароб аҳволга солиб қўйипмиз. Хўжалик ердан, маблағдан қийналиб тургани учунми, ҳозирча аҳвол шу...

28-мактаб директорининг айтишича, шу мактабнинг ўқувчиси Алибек Тўлибоев шашка бўйича республикада биринчиликни қўлга киритиб, имтиҳонларсиз ўқув юртида ўқиш имкониятига муваффақ бўлган экан... Демак, бошқалар қатори бу ерлик ўқувчиларнинг ҳам хоҳиш-истаги, интилиши бор. Фақатгина уларга озгина бўлса-да, эътибор керак. Эътибор бўлса, ким билади бу қишлоқдан яна қанча спорт усталарию республика чемпионлари чиқиши мумкин.



- Ҳозир дала ишлари билан бўлиб, стадионга қаролмай қолдик, - дейди “Янгиобод” шоличилик хўжалиги раҳбари Сафарқул Мирзаев. – Бироқ, режамиз бор. Тез кунда ҳаракат қилиб тўғрилаймиз, камчиликни тузатамиз.

Боғнинг умумий майдони 7 гектарни ташкил қилади. Шундан 2 гектари спорт учун, 5 гектари эса экин-тикинга ажратилган. Футбол стадионини ҳақиқатда ўт босиб кетган. Бўшашимиз билан астойдил шуғулланамиз.

Хўжалик раҳбари мавсум юмушларини баҳона қилса, мактаб директорлари бизники эмас,дея сансалорликка берилса, билмадик, бу жойлар қачон обод бўларкин? Бир томонда юрт раҳбари болалар спортини ривожлантирайлик, деб жон куйдириб турса-ю, иккинчи томонда масъулиятни ҳис қилмаган айрим мутасаддилар бунга парво ҳам қилмаса. Буни қандай тушуниш мумкин?! Ҳайронмиз. Балки бунга жавоб берадиган мутасадди раҳбарлар топилар?!

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# ОТАНАЗАР ОҒАНИНГ ЮЛДУЗИ

**ОЧЕРК**

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Эсингизда бордир, ўлкамизга боғларнинг ташрифи буюк сиймоларимизнинг номлари билан боғлиқ: Навоий боғи, Огаҳий боғи, Мунис боғи, Феруз боғи.

Ўша пайтда пахтазордан юлиб олиб, боғ ташкил қилишга рухсат бериш ҳозир айтишга осон... Яхшиям, ана шу вақтда Огаҳий бобомиз яшаб ўтган ҳовлидаги улкан бир туп тутни қолдирганим.

Билмайман, худо кўнглимга солдими, мана шу тут билан асрдош қариялар оро кирди яна жонимизга. Оғиздан оғизга ўтиб келган далилларга қараганда, Огаҳий бобомиз эккан эканлар бу тутни. Эшитгансиз, ўқигансиз. Эркин Самандаров шеър ҳам бағишлаган бу тутга.

Қилинган ишлар жўнгина ҳикоя этиляпти ҳозир раис тилидан. Бироқ бу ишларнинг сарсонгарчиликларини ҳар бир ғишт, ҳар бир хона, ҳар бир лойиҳа учун, тарихий ёдгорликларнинг аҳамиятини аниқлаш, обидаларни қайта тиклашу янгиларини барпо қилиш учун қанча шаҳару, қанча идоранинг остоналарига бош урганларини, ялиниб-ёлвориб, бировни ака, бировни ука деб, гоҳ уришиб, гоҳ ярашиб, не-не азоб уқубатларни енгиб иш битказганларини бир худо, бир Отаназар оғанинг ўзи билади. Бир қарасангиз, Огаҳий ҳазратларининг хотираси билан боғлиқ ишларни бажариш учун алоҳида бир ҳамраис керак Қиётга.

-Ҳаммаси Огаҳий бобомиз шарофатидан, - дейди ҳамсуҳбатимиз, - барча соҳалар бўйича меҳнаткашларимиз эришган ютуқларни санайверсанг, ҳамқишлоқларимиз фазилатларини улуғлаш учун Огаҳий бобомиздек яна бир шоир керак. Паҳлавон Маҳмуднинг ўзингиз таржима қилган китобида бор:

“Бир бурда кифоя, мардга кўп нон не керак,
Дарёдан оқар сув, ана, ризвон не керак.
Ўз қўли бор, айт, не керак хизматкор,
Ўз дили бор, айт, унга султон не керак?"

Менинг бир бошимга бунча ташвишлар не керак? Ҳаммаси шу эл эл бўлсин, юрт юрт бўлсин, деганимиздан... Худо йўлимизни очиб қўйибди. Яхшиям, одамлардан омадим келган, яхшиям, улар ҳалол, софдил, хайрихоҳ.

...Жудаям унчаликмас, аслида. Одамлар борки, уйига газ ўтказиб бермасанг, Огаҳий тутини ҳам ўтин қилиб ёқади. Оз бўлса-да, бор бундайлар. Раис бу одамларни ҳам тушунишга ҳаракат қилади. Уларнинг ҳам қайғусини ейди. Истамайди-да, ахир Огаҳий тути ўтин бўлишини.

Раис рафиқаси билан олти нафар ўғил, беш нафар қизни тарбиялаб вояга етказганлар.

-Отаназар оға, фарзандларингизда даставвал қандай фазилатларни қадрлайсиз?

-Шахсни. "Фарзандларимни севаман", деб ҳар бир ота-она, борингки, тили бўлса, ҳар бир жонзот айтиши мумкин. Бироқ, "Фарзандимни ҳурмат қиламан", деб ҳар бир ота-она айта олмайди. Бунинг учун фарзанд фақат фарзанд эмас, ҳурматга лойиқ шахс ҳам бўлиши керак. Худо кўп кўрмасин, фарзандларимдан мамнунман. Гап уларнинг қандай маълумот олганлари-ю, қандай лавозимда ишлаётганларида эмас, гап уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топганларида. Гап уларнинг ўз отасининг ҳурматига сазовор бўла олганликларида...

-Ота рози – худо рози, дейдилар.

-Худойим, шундай бўлсин. Фарзандларим худоники.



Ўзингиздан қолар гап йўқ, ота-она ҳурматига сазовор бўлишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Ота-она инсон дунёга келишида сабаб бўлган волидагина эмас, айни пайтда ўзи тарбиялаётган Аллоҳ бандасининг камолот жараёнини синчковлик ҳамда талабчанлик билан кузатиб бораётган, ўзининг тарбиявий меҳнат маҳсулини етук бир тарзда кўришни истайдиган мураббий ҳамдир. "Ота рози – худо рози" нақлининг моҳияти ҳам, аслида, мана шунда. Гап бу ерда Отаназар Пирназаровлар оиласининг касб жиҳатдан педагоглар хонадони бўлганлигида эмас. Гап шундаки, ҳар бир ота-она ўзи маҳкум бўлган мана шу қўшимча касбни қай даражада юксак адо эта олса, ана шу одамнинг оиласи шу даражада фаровон бўлади. Гап бу ерда фаровонлик деганимизда, фақат оиланинг дастурхони тўкину, усти бут ва шу каби маиший таъминланганликдагина эмас, айни пайтда масаланинг маънавий жиҳатида ҳамдир. Сен тарбиялаган ёхуд ҳамон тарбияламоқда бўлган фарзандларингнинг Ватанга, халққа нима бераётганлиги ҳам сен олиб бораётган тарбиячилик фаолиятингнинг муҳим мезонларидан. Фарзандларинг нуқул ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятини топганини фақат уйига ташмалашдангина иборат, деб биладиган бўлса, билгилки, на сен тарбиячи сифатида, на фарзандларинг тарбиланувчи сифатида бирон бир муваффақиятга эриша олмабсизлар. Одам эмас, чумоли тарбиялабсизлар. Чумоли эмас, билъакс одам тарбиялаш ота-оналар педагогик меҳнатининг ижтимоий жиҳатини таъминлайдиган муҳим фазилатдир. Дейлик, гап Отаназар Пирназаровнинг фарзандлари Мақсуд, Марат, Одамбой, Хушнуд, Рашид, Расулбекларнинг фақат фермер, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича туман шўъбаси бошлиғи, солиқчи, ирригатор, инженер ёки врач эканлигида эмас, гап биринчи навбатда уларнинг яхши фермер, яхши назоратчи, яхши солиқчи, яхши ирригатор ёхуд инженер, яхши врач эканлигида ҳамдир.

-Қўлида қўша-қўша дипломлари билан борган жойини чувалаштириб ўтирган чала мутахассислар озми, - дейди ўкиниб Отаназар оға, - мен фарзандларимнинг касб танлаши борасидаги масалага мутлақо оилавий бир "демократия" асосида ёндошдим, умр йўлдошим билан маслаҳатлашиб, бу масалада фарзандларимизнинг ихлосини бош омил қилиб олдик. Касбнинг ёмони бўлмайди. Ёмон ихтисослар йўқ, ёмон мутахассислар бор. Фарзандларимиз ана шундай ёмон мутахассислар тоифасидан бўлиб қолмасликлари учун астойдил ҳаракат қилдик. Қарияларимиз ўз дуоларида "Касбингдан барака топ", деб тилак билдиргувчи эдилар. Гапнинг очиғи, бунинг маънисига унчалик етавермасдим. Ҳозир ўйлаб кўрсам, ҳар бир одам ўз касбидан барака топмаса, жамиятнинг мувозанати бузилиб кетар экан. Врач, айтайлик, ўз касбини ташлаб, савдогарлик қилса, ўқитувчи ўзини темир-терсакка урса, нопрофессионаллик, устабузармонлик бир эпидемияга айланиб, ҳар қандай юртнинг иқтисодиёти ҳам издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам аждодларимиз "этикдўзнинг таом пишириб, ошпазнинг этикдўзлик қилишини" ёмон бир иллат, деб билганлар, ўз фарзандларини "касбингдан барака топ", деб дуо қилганлар. Мен ўз фарзандларимнинг ўз касбларидан барака топишларини жуда-жуда истайман. Ўз касбидан барака топаётган одамгина ўз касбини хор қилмайди, ишдан қўли совимайди. Агар борди-ю пахтакор ўз пахтасини ишлаб чиқариш учун бозорга олиб чиқиб сотмасдан, кўсакларни молига ем қилиб бераётган экан, шу касбнинг қаеридадир ва қандайдир иллат пайдо бўлган ва биз бу иллатни бартараф қилишимиз, бонг уришимиз керак. Чунки айни шу кунда боғбон узумини молининг олдига ташлаётгани йўқ-ку, шундай эмасми. Бу бир омади гап, албатта...

-Отаназар оға, - дейман, - мана, биз янги бир даврда ҳаёт кечирмоқдамиз. Ўтиш даври, деб ҳам атаяптилар буни. Мураккаб давр, машаққатли давр. Кўриб билиб, бошингиздан кечириб турибсиз. Фикрингиз қандай?

-Фикрим шундайки, ўзимиз ҳам сал фаолроқ бўлмасак, кескин амалий чоралар кўрмасак, ўтиш даврининг кўприги жуда узайиб кетиши мумкин. Шап-шап дегунча, шафтоли, деган яхши – "Хусусийлаштириш-хусусийлаштириш" деймиз-у амалий ишга келганда ҳадиксираб қоламиз.

Дарднинг келиши осон, кетиши оғир, дейдилар. Хўжасизлик дарди, эгасизлик балоси ўтган асрда бизни ўлмайдиган ҳам, кулмайдиган ҳам бир аҳволга келтириб қўйди.

**Матназар АБДУЛҲАКИМ**

(Давоми келгуси сонда)

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-322-25; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-561, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6